Ушбу сонда:
2 «Ишонч» фош этади ТУНДА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ЮК МАШИНАСИ...
3 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШУЛЛИЛАРИ мустаҳкам ижтимоий ҳимояда
4 ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 13 март, шанба № 41-42 (1675)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## 13-14 МАРТ – УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ



***Ўзбекистонни улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Бугун барча вилоят, шаҳар ва туманларда катта ўзгаришлар бўляпти, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар нафақат кетма-кет қад ростлаётган биноларда, барпо этилаётган кўча ва хиёбонларда, балки инсонлар онгу шуурида ҳам акс этмоқда.***

12 март куни яна бир улкан иншоот - Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё узра бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

Ушбу йирик иншоотнинг очилишига бағишланган маросимни Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов очди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз, жумладан, воҳа тараққиётида ушбу кўприкнинг аҳамияти беқиёс эканини қайд этди.

Хоразм вилояти кейинги йилларда улкан марраларни қўлга киритмоқда. Вилоятда ички ва ташқи бозорни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. 27 қўшма корхона мавжуд.

Воҳада коммуникация тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун ишга тушаётган янги кўприк бутун юртимиз каби Хоразм ва Қорақалпоғистонни ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, одамлар узоғини яқин қилишда катта имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўприк мамлакатимиз автомобиль ва темир йўл тизимларини замон талаблари даражасида ривожлантиришда, чет элга маҳсулот экспорт қилишда катта аҳамият касб этажагини алоҳида таъкидлади.

Республика «Боштранслойиҳа» институти лойиҳаси асосида бунёд этилган 681 метрлик ушбу замонавий кўприк мамлакатимиз коммуникация тизимини тубдан ўзгартиради. У бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имконига эга.

Юртбошимиз ушбу улкан иншоотни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандисларга, барча-барчага миннатдорлик билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан «Туямўйинсувқурилиш» тresти 1-кўчма механизациялашган колонна участка бошлиғи К.Турдиев, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қўнғирот регионал темир йўл узели бошлиғи К.Нуруллаев, «Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди муҳандиси Г.Гарепова, меҳнат фахрийси С.Шарипов ва бошқалар Амударё узра барпо этилган ушбу кўприкнинг қурилишига, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига раҳнамолик қилаётган Президентимизга ташаккур изҳор этдилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,**
**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЯНГИ КЎПРИКНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун биз қадимий Хоразм заминида Ватанимиз ҳаётидаги унутилмас ва қувончли бир воқеа - азим ва қудратли Амударё узра бунёд этилган замонавий иншоот - янги, муҳташам кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этмоқдамиз. Янги йўлларни очиш, янги кўприклар қуриш, уларнинг инсон ва халқлар ҳаётидаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Халқимизнинг «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас» деган доно мақоли замирида жуда катта маъно мужассам.

Барча-барча халқлар кўприк деганда, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қиладиган, дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган ҳаёт белгисини тасаввур қилади.

Бунинг ёрқин тасдиғини бутун оламга машҳур бўлган Буюк ипак йўлининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Шарқ билан Ғарб ўртасида бамисоли кўприк бўлиб хизмат қилган бизнинг диёримиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан бизнинг юртимиз-ўлкамиз учун, унинг тараққиёти ва фаровон ҳаёти учун коммуникациялар, шу жумладан, йўлларнинг очилиши ва қурилиши алоҳида аҳамият касб этган.

Агарки, бугунги кунда мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, маъмурий чегараларини инобатга олсак, бизнинг халқаро коммуникациялардан, денгиз йўлларидан олис бўлиб яшаётганимизни назарда тутсак, бундай хулосани чиқариш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир фараз қилинг - дунё бозорига ҳатто энг яқин денгиз порти орқали чиқиш учун ҳам бизнинг камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишимизга, қанчадан-қанча ортиқча харажат қилишга, қанча ташвиш чекишга, баъзан сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳонга, дунё бозорига янги йўлларни очиш биз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида бу борада амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини, Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли орқали шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришганимизни таъкидлаш лозим.

Ҳозирги пайтда жанубда Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши бошлангани ва шу йўлдан Афғонистон ва Эрон замини орқали Форс кўрфази портларига чиқиш режаларимиз, шарқда эса Андижон-Ўш-Қашқар автомобиль йўлини қуриш мўлжалларимиз бу ишларнинг узвий давоми, деб айтиш мумкин.

Шулар қаторида юртимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот-Бейнов тезюрар автомобиль йўлини барпо этиш ишлари ҳам яқин орада ниҳоясига етказилади. Шу билан бирга, Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Ангрен йўналишларида замонавий электропоездлар қатнови йўлга қўйилгани ҳам бу борадаги салмоқли қадамлардан биридир. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин - ҳозирги кунда Ўзбекистон йўллари халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий даражага кўтарилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узоқ давомли режаларимизни қурар эканмиз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар ва коммуникациялар барпо этиш масаласи доим бизнинг эътибор марказимизда туради.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Амударё узра бунёд этилган бу кўприк кейинги йиллардаги улкан ишларимизнинг яна бир намоёни, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ушбу ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 33,5 миллиард сўм маблағ сарфлангани ҳам бу иншоотга нақадар катта эътибор қаратилганидан далолат беради.

Қорақалпоғистон ва Хоразм диёрини пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларимиз билан боғлашда бу кўприкнинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Узунлиги 681 метрни ташкил этадиган бу замонавий кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингта автомобилни ўтказиш имкониятини яратади.

Бу эса Урганч-Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган бир миллион АҚШ долларини тежашга имкон беради.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, юртдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотиш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасидаги катта хизматларини, адабиётимиз ва санъатимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва кенг жамоатчилик вакилларининг таклифи маъқуллансин.

2. Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага бир ой муддатда мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин. Тадбирлар режасида қуйидагилар кўзда тутилсин:

шу йил май ойида Тошкент шаҳрида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

шоирнинг бир жилдлик асарлари сайланмасини нашр этиш;

ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлар иштирокида Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган учрашув ва адабий кечалар ташкил этиш;

шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли видеофильм яратиш.

4. Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиянинг шоир хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Андижон вилояти ҳокимлигига шоир қабрини ободонлаштириш ва ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг энг истеъдодли тингловчилари учун Муҳаммад Юсуф номидаги стипендияни таъсис этсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шоир ижодий меросининг аҳамиятини тарғиб этиш, шунингдек, таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 март



## БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР!

Ҳашар куни арафасида ногирон Дилфуза Тошsecurityованинг ҳисоб рақамига савобталаб кишилар 475 минг сўм ўтказиб берди. Бунга Қамаши тумани ижтимоий таъминот бўлими мудираси Саодат Ҳамидова бош-қош бўлди. Мўмайгина пулга эга бўлган ногирон Д.Тошанова операция қилдириш учун Тошкентга йўл олди.

Ҳашар куни бўлим қошидаги «Ёлғизлар маркази» боғи обдон тозаланади. Ариқлар атрофидаги ўт-ўланлар юлиб ташланиб, мавжуд дарахтлар оқланади. 500 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилади. Марказ биносининг ички хоналари ҳам йиғиштирилиб, саранжом-саришта қилиб қўйилади. Бундан ташқари, бўлим жамоаси бир кунлик иш ҳақини Маҳалла хайрия жамғармаси фондига ўтказади.

**Ш.НОРҚУЛОВА**

## КЎЧАЛАР ГУЛГА БУРКАНАДИ

Наврўзолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. 13-14 март кунлари ўтадиган умумхалқ ҳашарига Оролбўйида ҳам жиддий ҳозирлик кўрилди.

Ҳашар кунлари 923 километрга яқин ариқ ва зовур тозаланиб, 100 мингдан зиёд дарахтга шакл берилади. 43 гектарга яқин майдон ободонлаштирилади. 44 минг туп мевали ва манзарали дарахт кучатлари ўтқазилади. Кўча ва хиёбонлар гулга бурканади.

Умумхалқ ҳашаридан тушадиган маблағ эса хайрия ишларига сарфланади.

## ОҲАНГАРОНДА КЎТАРИНКИЛИК

Вилоят шаҳар ва қишлоқларида Наврўз олди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, Оҳангарон шаҳридаги боғ ва хиёбонлар, кўча ва маҳаллалар янада чирой очмоқда. Бундай хайрли ишларнинг амалга оширилишида «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамиятларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

13-14 март - умумхалқ ҳашарида 12 мингдан зиёдроқ оҳангаронлик иштирок этади. Уч минг туп мевали ва манзарали дарахт, минглаб гул кўчати ўтқазилади.

# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



Диёримизда Наврўз еллари уфурмоқда. Ана шундай айёмда андижонликлар 13-14-март кунлари гўшаларни обод қилишга ва кўкаламзорлаштиришга бел боғлаганлар. Умумхалқ ҳашари, юртни обод қилиш, бирдамлик, хайру саховат каби азалий қадриятларимиз уйғунлашиб кетган.

Қорасув шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг педагогик жамоаси яқинда ажойиб ташаббус бошлади. Ушбу илмгоҳ собиқ ўқувчилари билан мактаб ўқувчилари ўртасида биродарлик ёзишмалари бошланди. Тошкент шаҳридаги «Диёр» савдо уйи директори Қобилжон Ниёзов ўз офисида одатдагидек, кундалик ишлар билан банд эди. Бироздан кейин хонага хабарчи кириб келиб, қўлига мактуб тутқазди. Конвертга кўз ташлаб юраги ҳабқириб кетди. Унда ўзининг болалик йиллари ўтган жонажон мактабининг 8-синф ўқувчилари мактуб йўллагандилар. Қобилжон хатни кўзларига суртиб ўқийди. Устози, ўзи ўтирган партаси, жонажон мактабини ким унутади дейсиз? Болалар мактабдаги ўзгаришлар ҳақида у кишидек дунё кезган ишбилармон, тадбиркор, мулкдор бўлишга интилиб ўқиётганликлари ҳақида, ҳавас ила ёзгандилар.

Қобилжон меҳрга меҳр билан жавоб берди. Эртасигаёқ мактабга Тошкентдан қўнғироқ қилади. Қўшимча синф хонаси қуриш учун шахсий жамғармасидан 1,5 миллион сўм маблағ ажратганини, пул ўтказиш учун мактабнинг банкдаги ҳисоб-рақамини маълум қилишларини сўрайди.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади. Мактабдошининг ҳиммати собиқ синфдош биродарларни ҳам меҳру-оқибатга ундади. Шаҳар молия бўлими мудири Қирғизбой Эрматов, маҳаллий тадбиркорлар Муроджон Ўринбоев, Шоирахон Исоқжанова, Улфатхон Холматовалар шаҳар мактабларидаги спорт инвентарларини янгилаш, ўйингоҳларни таъмирлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлаш истагини билдирдилар.

**Муроджон ШЕРМАТОВ,**
**Қорасув шаҳар ҳокими:**

— Шаҳримизда ҳокимлик қарори билан Наврўзолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари кенг кўламда бормоқда. Мавжуд 8 та маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли уйлар, деворлар оқланмоқда. Ҳашар кунлари 9 гектар майдонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Кўча ва йўл бўйларига 800 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Дарахтларга шакл бериш, гулзорлар ташкил қилиш ишлари авжида. Шу мақсадда 2000 туп гул кўчатлари келтириб, маҳаллаларга тарқатдик. Ҳашарда 20 та ташкилот, 10 мингга яқин аҳоли иштирок этмоқда. Топилган маблағ ҳисобидан шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармасига 850 минг сўм пул ўтказишни режалаштирдик.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Мавзеларимиз ораста, саранжом-саришта, кўркам бўлса, кайфиятимиз шунчалик кўтарилади. Ишимизга унум, барака киради. Қурилиш ободончилик ишларига астойдил киришганимиз боиси шундан. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли маъмурий бинога пойдевор қўйишни бошлаймиз. Амур Темур номли маҳалла волейбол ўйингоҳини таъмирлашни 2-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари ўз зиммаларига олганлар.

Кам таъминланган, етим-есир, боқувчисини йўқотган кишиларни ёлғизлатиб қўймаймиз. 57 нафар эҳтиёжманд кексаларни бир пиёла чой устида учраштириб, совға-саломлар билан кўнгилларини олиш ниятимиз бор. Айтмоқчимизки, умумхалқ ҳашарини янгилаш, яшариш, кўкаламзорлаштириш меҳр-мурувват шодиёнаси сифатида нишонлаймиз.

**Козимжон ИСАЕВ, – Олтинкўл туманидаги «Оқ тепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Ўзбекона удумларимиз инсонни улуғлашга, айниқса, якка-ёлғиз, ногиронларни қўллаб-қувватлашга, уларни ардоқлашга ундайди. Ҳудудимизда 558 та хўжалик бўлиб, 2318 нафар маҳалладошлар истиқомат қилади, шулардан 15 нафари кам таъминланган оилаларга киради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг турмуш ва маиший шароитини яхшилаш доим эътиборимизда. Яқинда муқаддам судланган Муроджон Жўраевнинг соғлиги ёмонлашганидан хабар топдик. Йигитнинг тақдир исканжасида қолишига йўл қўймадик. Туман прокуратураси, ҳокимлик мурувват қўлини чўзди. Марказий шифохона мутасаддилари билан биргаликда беморни бепул малҳам дори-дармон билан таъминладик, керакли моддий ёрдам кўрсатдик. Ҳозир Муроджон ҳаётда ўз ўрнини топган. Соғайиб, фаол меҳнат қилмоқда.

Умумхалқ ҳашари «Меҳр ва мурувват йили»да ўтаётганлиги билан аҳамиятлидир. Боқувчисини йўқотган Иномжон Рўзиев, Чиннихон Холдорова, Маҳбубахон Қосимова каби нуронийларга ушбу кунлари маҳалла тадбиркорлари ёрдами билан хайрия дастурхони ёзилмоқда. Кўча ва хиёбонларимиз «Наврўз» либосида кўзларни қувонтирмоқда. Уй ва деворлар оқланган, кўчаларга шағал ётқизилмоқда. Янги гулзорлар барпо этилмоқда.

Тадбиркор Зайниддин Исмоилов ҳашар куни «Оқ терак» маҳалласини газлаштириш ишларини шахсий жамғармаси ҳисобидан амалга оширмоқчи. Шу билан бирга маҳалла ёшларининг ҳам орзуси ушалди. Ҳашар йўли билан футбол ўйингоҳи таъмирдан чиқарилди.

**Иброҳим ИСМОИЛОВ – Қўрғонтепа туман «Қўрғонтепа» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси:**

– Ватан остонадан бошланади. Кўча ва хиёбонларимиз, маҳалла қишлоқларимизнинг ободлигига не етсин. Томчида қуёш акс этгандек, бутун мамлакат чирой очиб ҳусни тарovati гўзалланади. Меҳр ва мурувват йилида умумхалқ ҳашарининг эълон қилиниши дилимиздаги гап бўлди. Негаки, ҳашар шарофати билан меҳр-оқибат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юмушлари кўлами янада кенгаймоқда.

Иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида тузилган дастур умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказишда қўл келмоқда. Қўшма тадбирда ҳашарни қизитишга доир ташкилий, маданий-маърифий ишлар кўзда тутилган. Машина-трактор парки жамоаси ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини кун сайин қизитяптилар. Ҳудудга экилган 30 туп арча, 20 туп терак кўчатлари, шакл берилган дарахтлар қаламчалари даргоҳни ораста қилиб турибди. Чорвачилик цехи касаба уюшма ташкилотининг сут-товар фермасидаги ободонлаштириш ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳашар муносабати билан ўтказилаётган спорт-соғломлаштириш ва ободончилик, кўкаламзорлаштириш ойлиги авжида. 20 ўринли ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Футбол ўйингоҳи таъмирланиб мавсумга тайёрлаб қўйилди. Ўз атрофига 20 нафар аъзони жипслаштирган Собиржон Каримов бошлиқ цех касаба уюшма ташкилоти ушбу хайрли ишларга бошчилик қилмоқда.

## ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

***Қорақалпоқ далаларида, Оролбўйи яйловларида майса ниш урди. Табиатнинг уйғониши билан одамлар қалбида ҳам эзгулик куртаклари бўртиб, ажиб бир эврилиш юз берди.***

Амударё туманида умумхалқ ҳашари муносабати билан кенг кўламда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Туман маркази Манғит қўрғони ва барча овулларда мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилиб, янги боғлар барпо этилди. Кўча ва ҳиёбонлар тозаланиб, турли гул кўчатлари ўтқазилмоқда.

«Бўзён» фуқаролар йиғинига қарашли Оланг овулида ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ халқлари вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва тотув ҳаёт кечиришади. Уларнинг фидойиликлари, бир-бирига меҳр-муҳаббат, бирдамликлари айниқса, ҳашарда янада яққол кўзга ташланди. Ҳомийлар, тадбиркорлар томонидан ҳашар муносабати билан кўпгина бинолар таъмирланди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Ташландиқ, қаровсиз ҳудудлар ободонлаштирилиб, кўркам, обод масканларга айлантирилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЯНГИ КЎПРИКНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

**(Боши 1-бетда)**

Биз учун шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий заҳираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу улкан иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ва унинг ижобий самараси ва таъсирини яқин орада шу воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида кўриши мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, кўприк ишга тушиши билан олдимизда турган кўп оғир муаммоларни ечиш, шу орқали катта маблағларни тежаш, истиқболимизни кўриш имкони туғилади.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: шундай мураккаб табиий шароитда, қишнинг изғирин шамоллари, ёзнинг жазирама офтобида, дарё сувини кечиб, бу муҳташам кўприкни қуриш осон бўлгани йўқ. Бугун ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкин - бу қурилиш кейинги йилларда бунёдкор қурувчиларимизнинг маҳорати нечоғлиқ ошгани, биз ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб, қандай буюк ва бетакрор иншоотларни барпо эта олишимизнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Амир Темур бобомизнинг ибораси билан айтганда, бизнинг қандай куч-қудратга эга бўлганимизни, нималарга қодир эканимизни ана шундай улкан қурилишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугун мана шу минбардан туриб, ушбу муаззам кўприкнинг бунёдкорларига, аввало, «Боштранслойиҳа» институти мутахассисларига, бош пудратчи - «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасининг «Кўприкқурилиш» тресги меҳнат жамоасига, барча ишчи ва монтажчиларга, қурувчи ва муҳандисларга, қорақалпоқ ва Хоразм элининг мутасадди ва фаолларига, бу улуғвор ишга ҳисса қўшган жамики инсонларга самимий ташаккур билдириш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай буюк ишларнинг ижодкори бўлган азамат халқимизга яна бир бор таъзим қилишга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим, сизларни бугунги қувончли ва тарихий воқеа муносабати билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака, эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, азизларим!

---

Андижон туманидаги «Болалар-2000» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти Меҳр ва мурувват йили вазифаларига мос келади.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

Корхона кийим-кечаклар, пайпоқлар, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Ўз сартарошхонасига эга. Ўтган йили корхона 36 миллион сўм даромад қилди, соф фойда эса 4 миллион сўмдан ошди. Бу маблағларнинг бир қисми моддий-техника базасини кенгайтиришга сарфланди.

- Корхонамизда ишлайдиганларнинг асосий қисмини ногиронлар, боқувчисини йўқотган аёллар ташкил қилади,- дейди корхона раҳбари М.Мирзаева. - Жамоанинг ўзига хослигини инобатга олиб, ижтимоий ҳимояга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йили юз минглаб сўм маблағ ногирон-аёлларни тиббий реабилитация қилиш, ишчиларимизнинг фарзандларига ёрдам кўрсатишга сарфланди.

---

## ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Ўзбекнинг азалий удумларидан бири бўлган ҳашарга халқимиз қадимдан ўзгача муносабатда бўлиб келган. Сабаби ушбу кунда инсонлар ўзаро ҳамжиҳатликда саховат учун бел боғлайдилар.

Шовот туман марказлашган кутубхона тизими ходимлари ҳам бу кунни зўр уюшқоқлик билан ўтказишади. Бундан ташқари, ҳашар арафасида «Меҳр-мурувват – кўнгил гултожи» мавзуида жамоатчилик иштирокида тадбир ўтказилди. Бундан мақсад ҳашарни янада самарали ўтишини таъминлаш эди.

Тизим тасарруфидаги мавжуд 45 та кутубхона ходимларининг деярли барчаси ҳашарда қатнашади. Шу куни кутубхоналар ичи ва атрофи тозаланиб, мавжуд экин майдонларига манзарали терак, гул кўчатлари, мевали дарахтлардан ўрик, олма, узум, шафтоли каби турли хил кўчат навлари ўтказилади.

Шунингдек, 13 нафар якка-ёлғизларнинг яшаш жойларини тозалаб, боғларига ишлов бериш ҳам ходимларимиз назаридан четда қолмайди. Туман «Меҳр-шафқат» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган бундай ҳашардан ёлғизларимиз кўнгли тоғдек кўтарилади.

Хуллас, бугун туманимиз кўчаю хиёбонлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудлари тозаланади, кўкаламзорлаштирилади. Шубҳасиз, инсонларимиз ушбу ҳашар орқали ҳамжиҳатлик ва биродарликнинг кучи, қиммати қанчалар юксак эканлигини бир бора янада яхшироқ ҳис этадилар.

**Иброҳим ҲАЖИЕВ,**
**Шовот туман марказлашган кутубхона тизими директори**

---

*Наврўз арафасидаги ўйлар*

# ОНА ЗАМИН МЕҲРИ

***Табиат мўъжизасини қаранг: «Индия-Перспективи» журналида ёзилишича, тахминан Наврўз айёмига 8-12 кун қолганда Ҳиндистон қирларида «Сарпагандха» деган ўсимлик гуллар экан. 15-48 сантиметрлик, ниҳоятда нодир мазкур йирик баргли бута минг дардга даво ҳисобланар экан. Панжобдан Непалгача, Сакхим, Бхутан тепаликларигача ястаниб ётган майдонда «Сарпагандха»ни одамлар излайди. Ганга нархи, Шарқий ва Ғарбий Гхата, Марказий Ҳиндистон, Адаман ороллари минтақаларида тиббий олимлар ушбу камёб набогот билан энг оғир хасталиклар – руҳий ва ўлат, шизофренея, мажнунлик каби касалликларни даволайдилар. Шу боис ҳукумат «Сарпагандха»ни теришни чегаралайди, уни хорижга экспорт қилишни ман этади.***

Шу тариқа Наврўз айёми кириб келади. У бутун Шарқ ва Ғарбда сарафроз шодиёналик сифатида кенг нишонланади. Чунки Наврўз жуда ҳам қадимий, шу билан бирга турли-туман қиёфада янгиланиб бораётган байрамларимиздан биридир. Энг кўҳна манбаларда, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар», Саалобийнинг «Ғурар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Абу Али ибн Сино, Муқимий, Фурқат, Шерозий, Шота Руставели ашъорларида Наврўзни эслашган. Наврўз бир томондан соф миллий, иккинчи томондан байналмилал сана сифатида ривожланди ва улуғвор қадриятларимиздан бирига айланди. Эътиборлиси шундаки, юқоридаги тарихий шахслар Наврўз подшоҳ Жамшид замонида халқ ийди сифатида расман жорий этилганлигини нақл этадилар. Тадқиқотчиларимизнинг қайд қилишича, Наврўзнинг байрам қилина бошлаганига уч-уч ярим минг йил бўлган.

«Турли ижтимоий гуруҳлар Наврўзга турлича муносабатда бўлдилар, – деган эдилар бир даврада 110 ёшли Андижоннинг Избоскан туманида яшовчи отахон Бобомирзо Қўлдошев, – унга қўпол аралашув шўролар салтанати даврида бўлди. Октябр тўнтаришидан кейин узоқ йиллар давомида уни ўтказиш асоссиз равишда тақиқлаб қўйилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек илмий-ижодий зиёлиларининг Наврўзни қайта тиклаш борасидаги уринишлари ижобий натижа бермади. Боз устига маъмурий буйруқбозлик идоралари ва айрим амалдорлар унга турли ёрлиқлар ёпиштириш даражасигача бориб етдилар. Лекин бахтимизга мустақиллик шарофати туфайли Наврўзга муносабат тубдан ўзгарди. 1990 йилдан бошлаб бу сана мамлакатимизда эркин, умумхалқ тантанаси сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Бу йил халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўзи оламни ўн учинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилади. Ушбу доруломон кунларда баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, борлиқ янгиланиши тимсолида теварак-атрофимизда Наврўз руҳи тугал намоён бўлади. Янги куннинг файзу тароватига монанд она Ватанимиз – Ўзбекистон гул ва кўркамлик оғушида ўзгача чирой ва фусунга бурканади. Она заминимиз жаннатмонанд диёрга айланади. Ўлкамизга ям-яшил сепини ёйиб кириб келган қутлуғ айём инсонларда меҳр-муҳаббат, мурувват, саховат ва эзгулик, ҳаётга ошуфталик, ваҳдатлик туйғуларини уйғотади. Қадимий анъана ва удумларимизни намойиш этишга чорлайди. Республикамиз дала-даштларида, қирадирларида бободеҳқонлар ерга уруғ қадашга киришадилар. Дошқозонларда сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар қайнайди. Дастурхонларда ялпиз, шивит, матар, гулқоқи, исмалоқ, жағ-жағ, отқулоқлардан тайёрлаган кўк сомсалар пайдо бўлади.

Байрам арафаси ўлароқ айни кунларда жойларда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари фаолларининг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан умумхалқ ҳашарлари уюштирилиб, янги боғ-роғлар, гулзорлар яратилмоқда, яратувчилик ва бунёдкорлик ғайрати билан янги турар-жойлар, гўшалар, кўчалар, кўприклар, гузарлар барпо этилмоқда. Натижада ариқзовурлар тозаланмоқда, қабристонлар ободонлаштирилмоқда, муборак масканларга зиёратлар уюштирилмоқда, қариялар, беморлар, ногиронлар, етим-есирлар йўқланмоқда, муҳтожларга хайру эҳсонлар кўрсатилмоқда.

Ҳа, бир неча кундан сўнг гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда ёшу қари - барча юртдошларимиз доимо интиқлик билан кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқадилар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, дунёда турли байрамлар, айёмлар ва тарихий саналар жуда кўп. Уларнинг барчаси маъно, мазмуни ва моҳиятига кўра ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга. Аммо, шубҳасиз, ер куррасида энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бутун Шарқ ва Ғарб оламида катта шодиёналик билан нишонланадиган гўзал байрамдир. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос зийнати ва фазилати бор. Аммо, уларнинг ичида баҳор келинчаги Наврўз фаслининг шукуҳи, файзи, таровати ўзгачадир.

**Р.УМАРОВ**

---





Баҳорги чигит экиш мавсумида иштирок этадиган техникалар мавсумга шай бўлиб турибди. Оққўрғон туманидаги С.Сегизбоев номли ширкат хўжалиги жамоаси ҳам бу юмушни ниҳоясига етказди. Хўжаликнинг ўтган йилда эришган ютуқларида айнан техникаларнинг бир маромда ишлаб, экиш ишлари ўз вақтида бажарилганлиги сабаб бўлганди.

***Суратларда: илғор механизатор Ботирали Икромов; тайёр техникалар.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар**

---

# ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

***Жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш жараёни бугунги кунда матбуот сўзининг таъсирчанлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, журналистларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни олдимизга қўймоқда.***

Кейинги вақтда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришга доир кўплаб янги қонунлар, Фармон ва қарорларнинг қабул қилингани, малакали журналист кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётгани ва бошқа бир қатор омиллар журналистика соҳасида янгича иш услублари ва шаклларини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Куни кеча Миллий матбуот марказида республикамизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари, таниқли журналистлардан иборат Ташаббускор гуруҳнинг йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари журналистларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва мавқеини кўтариш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, турли газета-журналлар, теле ва радиоканалларда, нашриётлар ва ахборот агентликларида ишлаётган, шунингдек, эркин ижодкорларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижодий ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассислар ва ноширлар олдидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашадиган янги ижодий уюшма тузиш ташаббуси билан чиқдилар.

Йиғилишда сўз олганлар янги ижодий уюшма жамият ҳаётида демократия ва ошкоралик тамойилларини қарор топтириш мақсадида фикрлар хилма-хиллиги, турли қараш ва ёндошувларга кенг йўл очишга кўмаклашиши, оммавий ахборот воситалари, журналистлик ва ноширлик соҳасига оид қонунларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиши, журналистларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, рағбатлантириш, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга ёрдам бериши, халқаро журналистик ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

---

*Репродуктив саломатлик*

# МАРКАЗДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ

***Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Наманган шаҳридаги туғруқхонани республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг филиалига айлантиришга киришилди.***

Илмий марказни ташкил этишдан олдин Қарши, Жиззах ва Нукусдаги ана шундай тиббий масканларнинг мутахассислари томонидан реконструкция лойиҳалари ўрганиб чиқилди. Йирик, айни пайтда ўта масъулиятли иш «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига ишониб топширилди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида бошланган бунёдкорлик ишлари айни кунларда қизғин паллага кирган. Бугун қурилиш майдонини кўздан кечирар эқансиз, қўли гул бунёдкорларнинг меҳнати ортида эртанги кунимиз ворисларининг соғлом ва дуркун ўсишлари гавдаланади. Дарвоқе, бу ердаги барча юмушларга 5-қурилиш-тиклаш бошқармаси бош муҳандиси Баҳодир Алиев бош-қош бўлаётир. Биноларнинг ички қисмини таъмирлаш, пардозлаш ишларини бевосита кузатиб, назорат қилаётган бош муҳандисни суҳбатга чорладик.

- Йигит кишига қирқ ҳунар оз, - дейди у ўз касбидан мамнунлигини яширмай. - Қишин-ёзин, баъзан кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қилишга тўғри келади. Аммо иш охирига етгач, кўркам бино «манаман» деб бўй кўрсатиб турганда, ҳар қанча чарчоқ бўлсаям унутилади. Илмий марказ қурилиши ҳақида тўхталадиган бўлсам, бу ерда лойиҳа бўйича бир миллиард сўмликка яқин иш бажарилиши лозим. Ўтган қисқа вақт ичида эса икки юз миллион сўмликдан зиёд реконструкция ишлари амалга оширилди. Лойиҳага кўра 17 та даволаш ва диагностика бўлими, 14 та туғруқ зали, 6 та жарроҳлик амалиёти хонаси, 2 та жонлантириш бўлими бутунлай янгича қиёфа касб этади. Маъмурий бино, тамаддихона, меҳмонхона, кутубхона, конференция зали шарқона услубда жиҳозланди.

«Наманганқурилиш» акциядорлик жамияти нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган йирик қурилиш ташкилотларидан саналади. Кейинги йилларда кўп минг кишилик жамоа саъй-ҳаракати билан ўнлаб йирик иншоотлар барпо этилди. Ўнлаб касб-ҳунар билим юртлари коллежларга айлантирилди, кўп тармоқли «Гўзал» шифохонаси йирик илмий марказ мақомини олди.

Қурувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, уч маҳал бепул иссиқ-овқат, ишловчилар учун транспорт воситалари ажратилган. Икки сменада меҳнат қилаётган қурувчилар илмий марказни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширишни кўзлашмоқда.

Илмий марказ бинолари тўла таъмирдан чиқарилгач, Финляндиянинг «Медиа-Медикал» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилади.

**С. АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*«Ишонч» фош этади*

# ТУНДА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ЮК МАШИНАСИ...

***Мамлакат иқтисодий манфаатлари ва ички бозорни ҳимоя қилиш, фаровон ҳаётни таъминлаш ҳамда миллий бойликларимиз – бадиий, маданий-тарихий ва археологик меросларни четга чиқиб кетишини олдини олиш каби ишлар божхона хизмати ходимлари зиммасида. Таассуфки, айрим кимсалар божхона ходимларининг бу вазифаларини ҳали-ҳануз тушуниб етмаяпти.***

Тун. Қисқа муддатли касбий кўрикдан ўтган навбатчилар Ватанимиз сарҳадларини Туркманистон билан боғловчи Гурлан постида хизмат вазифасини ўташарди. Ўтиб-қайтувчилар ҳам унчалик кўп эмас. Аммо катта тезликда келаётган юк машинаси уларни ҳушёр торттирди.

Текширув жараёнида юкхонадаги барча маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз, муддати ўтган, ҳужжатлар эса қалбаки эканлигини кўрсатди. Лекин алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари контрабандаси билан шуғулланувчи ушбу «тадбиркорлар» хизмат вазифасини бажариб турган икки нафар божхона хизмати ходимларига тан жароҳати етказиб, жуфтакни ростлашди.

Аммо қонунбузарларнинг қабиҳ ниятлари амалга ошмади. Ҳамкорликдаги ҳаракат натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Айни пайтда мазкур жиноят юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Хоразм вилояти божхона хизмати ходимлари бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Хусусан, аҳоли ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ўртасида семинар-кенгашлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, амалдаги қонунларга зид равишда ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаётган кишилар ҳам учраб турибди.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юртимизга ноқонуний равишда олиб кирилган 11 миллион сўмлик товарлар ушлаб қолинди. Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бўлими ходимларининг «Газачак» божхона постида ўтказган тезкор тадбирлари натижасида Урганч-Сурхондарё йўналиши бўйича ҳаракатланаётган Аҳмад Ҳаққулов бошқарувидаги «КаМаз» русумли машина тўхтатилди. У назоратдан ўтказилганда, юкхонага ортилган 158 қоп гуруч маҳсулотлари орасига 4800 қути акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотлари яшириб қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Ҳазорасп-Самарқанд» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган Отаназар Қозоқов бошқарувидаги юк машинасида ҳам 11790 қути тамаки яширин равишда, ҳеч бир ҳужжатсиз олиб ўтилаётганда ушлаб қолинди.

Бундан ташқари, хорижий валюталарни божхона постлари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишига чек қўйилаётир. Ўтган йили 76 та ҳолатда, умумий қиймати 26 минг 574 АҚШ доллари далилий ашё тариқасида олиниб, чора кўрилди.



Айрим ҳамюртларимиз четдан олиб келаётган маҳсулоти инсон соғлиги учун зарар эканлигини билгани ҳолда, нафс балосига гирифтор бўлиб қолаётганлиги, айниқса, ташвишлидир. Масалан, «Хонқа-Денов» йўли бўйича ҳаракатланаётган хоразмлик Рўзимбой Қурбоновга нима етишмасди. Ҳалол ишласа, гулдай ҳунари бор. Соғлом, рўзғорида ҳамма нарса етарли. Аммо у тўғри йўл қолиб, эгри йўлдан юрди. Унинг бошқарувидаги машина тўхтатилиб, назоратдан ўтказилганда, 25 та шоли қипиғи жойлаштирилган қоплар ичида бир эмас, ўн минг қути акциз маркаси бўлмаган заҳриқотил чиқди.

Юртимизда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил ривожланишига ўз улушини қўшиш ўрнига ноқонуний фаолияти билан тўғаноқ бўлаётган баъзи кимсалар фаолиятига тўхталдик, холос. Божхона ходимлари контрабанда, наркобизнес ва бошқа ҳуқуқбузарликка қарши кураш борасида вилоятдаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Мисол учун. Кейинги ойларда вилоят ИИБ ходимлари билан биргаликда ўтказилган тадбирлар натижасида 3,15 грамм героин, 21,55 грамм опий ва 133,5 грамм марихуана гиёҳвандлик моддалари аниқланиб, йўқ қилинди. Солиқ бошқармаси, прокуратура ҳамкорлигида Шовот, Янгибозор, Қўшкўпир ва Гурлан туманларида ўтказилган қўшма рейдларда 19 минг 100 литр бензин маҳсулотлари ва бошқа турдаги товар-моддий бойликлар аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Ходимларнинг соҳа бўйича тайёргарлигини ошириш, назарий ва амалий машғулотларни чуқур ўрганиш ҳамда улар маънавиятини ошириш, хушмуомалалик ҳислатларини янада такомиллаштириш ишлари ҳам доимий эътиборда.

**Ҳабибулла АЗИЗОВ,**
**вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, майор**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Оталар дуоси — эл муддаоси*

***«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида кекса авлод вакилларини асраб, авайлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, ҳар томонлама иззат, ҳурмат кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланган. Шу боис амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар улар фаровонлигини яхшилашга қаратилган.***

# ОРОЛБЎЙИ ТАБИАТИ

## алоҳида эътиборни талаб этади

Республикада 107 минг 108 нафар қария бўлиб, уларнинг 69 минг нафарини аёллар ташкил этади. Оролбўйида 129 нафар 100 ёшдан ошган отахону онахонлар умргузаронлик қилмоқда. Пенсиялар миқдорининг кўпайганлиги, меҳнат ва уруш фахрийларига яратилган имтиёзлар, кексаларни эъзозлаш соҳасида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини янада бойитмоқда.

Ҳозирги кунда жамғарманинг 2 та шаҳар, 15 та туман бўлимлари, 462 жамоатчилик марказлари ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида 160 мингта кам таъминланган оилалар ва кекса ёшдаги кишиларга ҳомийлар томонидан 116 миллион 200 минг сўмлик, жамғармамиз ҳисобидан 2 миллион 617 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўзгалар парваришига муҳтож 1151 нафар нафақахўр, минг нафарга яқин якка-ёлғиз қариялар ҳисобга олиниб, йирик корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктилган. 103 минг нафардан ортиқ пенсионер диспансер кўригидан ўтказилди.

Улардан 77 минг нафари шифохоналарда даволаниб, саломатликларини тиклади. 1500 нафарга яқини мамлакатимизнинг хушҳаво жойларида ва санаторийларда дам олиб қайтдилар.

Умумий нархи 29,6 миллион сўмлик дори-дармонлар, ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия мосламалари тарқатилди. 10 минг нафардан ортиқ қария автотранспорт хизматидан имтиёзли равишда фойдаланмоқда.

Оролбўйи табиати кекса кишиларга алоҳида ғамхўрлик ва эътиборни талаб этади. Тахиатош шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Сиҳатгоҳдаги даволаш ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қайта таъмирланди.

Бу йил кексалар, ногиронлар, чекка қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётган болаларни тиббий - ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишга 52 миллион 800 минг сўм, якка-ёлғизлар ва боқувчисини йўқотганларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яшаш шароитларини яхшилашга 11,5 миллион сўм сарфланди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва ҳомийлар томонидан ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларга икки ойда бир марта қўшимча моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Қорақалпоғистонда олиҳиммат инсонлар кўп. Масалан, Нукус тумани «Нуроний» жамғармаси ҳузуридаги «Саховат» фермер хўжалиги бошлиғи, Алланиёз Ўтаниёзов ўғли Ажиниёз билан 37 нафар кам даромадли оилага ўз ҳисобидан уй-жой қуриб берди. Ёши 70 га яқинлашган тиниб-тинчимаган бу ёшулли ўрта мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пунктини қуриб битказди.

Ёшлар, хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда жамғарма ижрочи директори Жиғагул Сайидалиева, Нукус бўлимидан Отамурод Давлатмуродов, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси раиси Шароф Бабашев, уруш ва меҳнат фахрийлари Нурулла Абдуллаев, Ирина Баутина, Тулубай Шербеков, Олтин Ерлақова, «Нуроний» фермер хўжалиги раиси Гулзира Ўрозбоеваларнинг хизмати каттадир.

Ўз навбатида Қорақалпоқ диёрининг кекса авлод вакиллари ёшлар билан бир сафда туриб, истиқболни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз қудратини, иқтисодий салоҳиятини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.

**Жалел МУЯДИНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси Кенгаши раиси, «Эл - юрт ҳурмати» ордени соҳиби**



# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШУЛЛИЛАРИ

## мустаҳкам ижтимоий ҳимояда

## БОРЛИГИМИЗ БИЛИНИБ ТУРСИН

101 ёшдаман. 80 йилдирки, Қошкўра қишлоғи ёшларига математика фанидан сабоқ бериб келмоқдаман.

Спорт доимий ҳамроҳим. Ёшлигимдан пиёда юришни хуш кўраман. Бир вақтлар югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Ҳозир ҳам уйимдан беш чақирим нарида жойлашган Қозоқ Қурбонов номли мактабга яёв бориб келаман.

Биласизми, пиёда юриш инсонга тетиклик бағишлайди. Бундан ташқари барча қувонарли, одамларга хос ижобий фазилатларга ҳавас билан қараб, «яхши сўз жон озиғи» иборасига амал қилиш керак. Қалби пок, ёмон ўйлардан мутлақо йироқ инсонларнинг умри узун бўлишини ҳаётий тажрибам кўрсатиб турибди.

Нафақага чиққанимга қирқ йилдан ошди. Кексаликка тан бермай, ҳамон меҳнат қучоғидаман. Газета, журналлар ва китобларни кўзойнаксиз ўқий оламан. Севимли мактабим жамоаси мен билан фахрланишлари қалбимга илиқлик бағишлайди.

Фарзандларимнинг аксарияти педагоглик касбини эгаллашган. Катта қизим Анешхон бошланғич синф ўқитувчилигидан нафақага чиққан. Ўғлим Бобек эса Тошкент Давлат автомобил йўллари институтида ўқитувчи, физика-математика фанлари номзоди. Невара-чеваралар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Дориламон кунларга етказганига шукроналар айтаман. Келажак авлодлар учун бунёдкорлик ишлари бошида турган, улуғларимизни ҳар доим дуо қиламан.

**Отажон КАРИМОВ,**
**Элликқалъа туманида яшовчи меҳнат фахрийси**

# УЧ АСРНИ КЎРГАН МОМОЛАР

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Тўрткўл туман бўлими раиси Ҳ.Хўжаниёзов, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Қ.Сержанова ва «Шўрахон» ширкат хўжалиги раҳбари Султонбой Камоловларни кексалардан хабар олиш учун тараддудланиб турган пайтда учратдик.

– Қариялар дуосини олишдан савоблироқ иш бўлмаса керак, – дейди туман оқсоқоли Ҳайитбой ака. – Овулларимизда йигирмадан ортиқ юз ёшдан ошган онахонлар бор. Уларни тез-тез моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турамиз.

Шу куни туман фаоллари уч аср юзини кўрган Шукуржон момо Ғойипова, Дурди она Рўзимбетова, Шукур момо Сетимбетова, Норжон момо Абдиевалар билан учрашиб совға-саломлар топширишди. Ғамхўрликдан табаррук онахонларнинг боши осмонга етди, уларни алқаб узоқ дуо қилдилар.

Экологик вазият мураккаблашган Орол табиати шароитида узоқ умр кўриш катта бахт. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлиги «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, касаба уюшмалари томонидан овулларда яшаётган ёлғиз қариялар доимий меҳрибонлик билан қуршаб олинган. «Шўрахон», «Мискент», «Ўзбекистон», Шароф Рашидов номли, Қосим Нуримбетов номли хўжаликларда яшовчи кексаларга 24 миллион сўмликдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Каримбой Бозов раҳбарлик қилаётган «Баракат» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ногиронларга 1 миллион 635 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди.

Улуғ байрам - «Наврўз» арафасида Элликқалъа туманидан Тўти Саъдуллаева, Розия Хўжаева, Қонликўл туманидан Феруза Нагметова, Сулув Муфтуллаева, Хўжайлидан Рима Жумамуротова, Дурди Ескова, Тахтакўпирдан Зулайҳо Хўжамметова, Ойсулув Усенова, Чимбой туманидан Кенжагул Сейитнезирова каби юз ёшли онахонлар яшаётган оилалардан хабар олиниб, совғалар тарқатилди.

**Шукуржон КАМОЛОВА,**
**касаба уюшма ходими**

## ЯШАШДАН МАҚСАД НЕДИР?

Саховат умрим мазмунининг бир бўлагини ташкил этади. Мана 10 йилдан ошибдики, овулимиздаги 38-мактабни таъмирлашга ёрдам бериш билан бирга, ҳар йили бўладиган «Наврўз» айёми тантаналарини фермер хўжалигимиз ҳисобидан ўтказиб келмоқдамиз.

Байрамлар, ҳайитларда, якка-ёлғизларни, кам таъминланган оилаларни ҳолидан хабар олиб, ширин сўз, совға-саломлар билан кўнглини кўтариб борамиз. Тўй ўтказувчиларга қўлимиздан келганча ёрдамлашиб келмоқдамиз.

Хўжалигимизда 10 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Мунтазам ишлаб турган шоли тегирмони ва мойжувози овулда яшовчиларнинг корига яраб турибди.

Жамоамизда ишловчиларнинг барчаси меҳнатларига яраша рағбатлантириб борилади. Йиғиштирган ҳосилимиз салмоғига қараб ўтган йили ҳар бир ишловчига 2 тонна 500 килограмдан шоли, 20 килограмдан ёғ ва 20 минг сўмдан нақд пул тарқатдик.

Фермер хўжалигида техникаларнинг барча турлари мавжуд. Уларни бенуқсон ишлашига катта ҳисса қўшган механик таъмирловчимиз Қурол Бердиевни 5 тонна шоли билан рағбатлантирдик.

**Хидирбой ПИРЛЕШОВ,**
**фермер, Кегейли тумани**


Е.ЕРМАНОВ олган сурат.

# ҲУДАРГАН БОБО БОҒЛАРИ

Бундан икки-уч йил муқаддам марказий кенгашимиз «Ўлкамиз боғлари нуронийлар нигоҳида» ташаббуси билан чиққан эди. Хайрли иш Вазирлар Кенгаши томонидан маъқулланиб, барча қишлоқ ва овулларга кенг ёйилди.

Оқсоқоллар меҳнати билан юзага келган мевазор боғлар Оролбўйига ўзгача чирой бағишлайди. «Шаббоз» ширкат хўжалигидан Шариф ака Ўрозбоев, Ўрозбой Жуманиёзов номли деҳқон-фермерлар уюшмасида Ҳударган ота Рўзимов яратган 10 гектар боғларда мева ва узумдан юқори ҳосил етиштирилаяпти. Сарқоп овулидан яна бир қария Жобби ота Матниёзов зиёратгоҳни ободонлаштиришга ҳисса қўшмоқда.

Жамғармамиз ихтиёрига ҳам 10 гектар экин майдони ажратиб берилган. Ҳосилдан олинган даромад фахрийларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланяпти. Келган соф фойда ҳисобидан муҳтож кишиларга ёрдам берилди.

Хоразм маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Саодат Ғофурова, «Озод» кўчасидан Қурбон бобо Авезов, Қиётобод қўрғонидан Анор Машарипова, Шаббоз овулидан Жуманиёз Бобожонов каби қариялар аҳволидан хабар олиб моддий ёрдам кўрсатдик.

Туманимизда 16 минг 600 нафар нафақа олувчилар бўлиб, уларнинг 10 минг нафарини табаррук отахону онахонлар ташкил қилади. Янгитдан 458 нафар кишига ёшга доир, 177 нафарига ногиронлик, 161 нафарига боқувчисини йўқотганлик, 180 нафарига ижтимоий нафақа тайинланди.

«Меҳр ва мурувват йили»нинг ўтган ойларида «Озод», «Гулистон», «Беруний», «Қизил қалъа», «Бий бозор» ширкат хўжаликлари, Ўрозбой Жуманиёзов номли, «Олтинсой» фермерлар уюшмасида яшовчи 178 якка-ёлғиз кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Уларга 18 нафар тиббий патронаж ходимлари бириктилган.

Қилинган хайру эҳсон, барча эзгу ишлар қалбларда абадий сақланиб қолади. Зеро, аждодларимиз сахийнинг жойи жаннатдир, деб бежизга айтишмайди.

**Йўлдош КАМОЛОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Беруний туман бўлими раиси**

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида беморларга бепул ва имтиёзли рецеплар бўйича дори-дармонлар мулкчилик шаклидан қатъи назар барча дорихона муассасаларида берилиши кўрсатилган.

# ДОРИ-ДАРМОНДАН КАМЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

«Қорақалпоқдоридармон» ҳиссадорлик жамияти тизимидаги 13 та туман (шаҳар) филиаллари ва 6 та хусусий дорихона орқали 13 турдаги дори-дармонлар беморларга тарқатиляпти.

Шохобчаларимизда соғлиқни сақлаш, мудофаа ва ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тавсия этилган имтиёзли дори олувчилар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, қатъий тартибга амал қилиняпти. Нукус шаҳридаги 1-дорихонада беморларни қабул қилиб, хизмат кўрсатадиган махсус хона ташкил этилган.

Фармацевтларимиз мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширмоқдалар. Бултур аҳолига 37,5 миллион сўмлик дори-дармонлар етказиб берилган бўлса, «Меҳр ва мурувват йили»да унинг миқдори янада кўпаяди.

Амалдаги Низомда кўрсатилган касалликлардан ташқари ўзгалар ёрдамига муҳтож нафақахўрлар, уруш фахрийлари, ногиронлар, Чернобил ҳалокати қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга ҳам биринчи навбатда хизмат кўрсатиляпти.

Фуқароларга берилган имтиёзлар ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши. Шу боис беморлар кўнгилга йўл топиб, дори-дармон таъминотини янада яхшилаш чораларини кўраяпмиз.

**Сафармуҳаммад АННАҚИЛИЧЕВ,**
**«Қорақалпоқдоридармон» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси**

# БОЛАЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

«Меҳрибонлик уйи»да 240 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда ота-она меҳридан узоқ болаларнинг ҳаёт кечиришлари, таълим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма қулайликлар яратилган.

32 йилдан бери ёшлар тарбияси билан шуғулланаман. Улуғ мақсад йўлида тинимсиз интилиб, олий маълумотли бўлдим. Мақсадим гуруҳдаги болаларни ақлли, эсли-хушли, юртимиз манфаатлари йўлида хизмат қиладиган фарзандлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Уч ўғил, бир қизим бор. Меҳрибонлик уйи болаларини ҳам ўз фарзандларимдан кам кўрмайман. Гуруҳда 15 ёшдаги болалар бўлганлиги учун ахлоқ ва одоб тарбиясига алоҳида эътибор беріляпти.

Турли миллат вакиллари ҳисобланган Райҳон Соғиндиқова, Барно Яхшиева, Барно Боймуротова, Гулихон Аспитлиева каби ўсмирлар фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирмоқдалар.

Ҳар томонлама билимли ва етук фарзандлар тарбиялашни йўлга қўйишда директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Светлана Сон, тарбиячилар Тозагул Қурбонниёзова ва Уйтулғон Жорилқосимоваларнинг ҳиссалари катта бўлаётир.

**Олтиной ЎРОЗБОЕВА,**
**Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси**

# ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

**(Боши 1-бетда).**

Тумандаги фермерлар ўтган йил деҳқончиликдан яхшигина даромад кўришди. Олинган соф фойда ҳисобидан соховатпеша инсонлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ва ногиронларга кўмак бериб келишмоқда. Қишлоқ тадбиркорлари ҳам овул фуқароларига тўкин дастурхон ёзиб, меҳр-саховат улашдилар. Турли тилларда лапар, ўлан, куй-қўшиқлар янгради. Кенг майдонда миллий кураш, футбол, волейбол мусобақалари авжига чиқди. 49-ўрта мактабнинг 30 нафар ўғил-қизларига дарслик ва ўқув қуроллари туҳфа қилинди. Овулнинг 20 нафар кекса отахон ва онахонлари бир пиёла чой устида суҳбатлашишди, сўнгра мурувватли инсонлар томонидан совға-салом улашилди.

– Эрта тонгда уйғонган кишига кўпроқ ризқ ато этилади, – дейди овул оқсоқолларидан бири Саттор Отаниёзов. – Бугун ҳамқишлоқларим қатори мен ҳам умумхалқ ҳашарига отландим. Бир туп бўлса-да кўчат ўтқазиб, маҳаллам ободончилигига ҳисса қўшсам дейман. Кўнгли ўксик, муҳтожларга кўмак бериш азалий қадриятларимиз. «Саттор» фермер хўжалигимиз ҳам шундай кимсалар ҳолидан хабар олиб туришни ўз зиммасига олган.

Тумандаги Эрнафас Бобониёзов, Ибодулла Хўжаметов каби саховатли фермерлар ҳам овулдошлари учун турли нознеъматлар ва баҳорий таомлар билан тўкин дастурхон безади.

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Жуманай, Чимбой туманлари овулларида ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари айни авжида.

**И.ИСОМИДДИНОВ**



Ш.ҚАҲҲОРОВ олган сурат

**Саҳифани тайёрловчи:**
**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**





# «МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ»

## шу калима шифокор учун энг катта мукофот



***Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор йирик тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида республика Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институтининг муносиб ўрни бор. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Муборак Аҳмедова раҳбарлик қилаётган мазкур институт нуфузли илмий даргоҳ бўлиш билан бирга республикамизнинг турли бурчакларидан не умидда келаётган беморлар дардига малҳам бўлаяпти. Бу ерда катта салоҳиятга эга олимлар, малакали шифокорлар эл саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.***

Институтнинг инфекцион жараёнлар, ўта хавфли касалликлар инфекцияси, паразитология ва диария касалликлари лабораторияларида хасталик турлари бўйича чуқур илмий текшириш ишлари олиб борилади. Якуний хулосалар орқали касалликка қарши курашнинг янгидан-янги усуллари ўйлаб топилмоқда. Бу машаққатли изланишларни юзага чиқаришда 10 нафар фан доктори, 11 нафар фан номзоди ва 11 илмий ходим камарбасталик қилмоқда. Уларга академик Абдураҳмон Обидов, тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар — Абдувосит Валиев, Сирожиддин Бобохўжаев, Наримон Ғуломов сингари фидойи олимлар етакчилик қилишмоқда.

Шу боисдан ҳам ушбу маскан махсус касалликларни даволаш бўйича республикамиздаги ягона асосий марказ ҳисобланади. Институтнинг даволаш клиникасида бу борада катта тажриба орттирилган. Узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган бу шифо маскани қанчадан-қанча дардмандлар мушкулини осон этди, не-не оғир хасталикларга қалқон бўлди. Дастхатлар битилган китоб миннатдорчилик сўзларига тўла . Зеро, дардларига малҳам топган инсонлар ўз халоскорларини бир умр эсдан чиқаришмайди.

— Қизчам ўткир ичак инфекцияси билан хасталангач кўпгина шифо масканларига мурожаат қилдик. Охири не умидда шу ерга келгандик, — дейди қашқадарёлик Ойниса Эргашева. — Бахтимизга қўли енгил, юқори малакали, ширин сўз шифокорлар фарзандимни қисқа муддат ичида дарддан фориғ қилишди. Миннатдорчилигимни қандай изҳор этишга ожизман...

Клиникада 7 та даволаш, жонлантириш, бокс бўлимлари мавжуд бўлиб, у 205 беморга мўлжалланган. Бу ерда юқумли, сариқ касалликлари, ўткир ичак инфекциялари, овқатдан заҳарланиш ва бошқа касалликлар билан оғриган беморлар даволанишади. Шунингдек, диспансерлик поликлиникаси хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Хасталар дардига шифо беришда 48 нафар ҳаким ва 111 нафар ҳамшира кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилмоқда. Улардан тўрт нафари фан номзоди даражасига эга. Уч нафари эса илмий изланишлар олиб бормоқда. Тиббиёт фанлари номзоди Ҳакимжон Яҳёев, Ўктам Мўминов, Любов Совченкова, Озода Маҳкамова, Дилором Каримова каби шифокорлар номини барча чуқур ҳурмат билан тилга олади.

— Энг сўнгги замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида касалликларни даволашда катта қулайлик ва имкониятга эришганмиз, — дейди клиника бош шифокори Дилшод Мирзаев. — Шифо масканимизни тиббиёт жиҳозлари билан янада бойитиш борасида кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Яқинда Хитойдан битта сунъий буйрак, иккита УЗИ, тўртта сунъий нафас олдириш аппаратлари ҳамда Франциядан сунъий нафас олдириш аппарати келтирилди. Шу орқали кўпгина оғир ва мураккаб кўринишдаги хасталикларни тузатиш имконияти кенгаймоқда.

Даволанувчилар учун ҳар тарафлама шарт-шароитлар яратилган. Уларга дори-дармонлар юз фоиз текин берилади. Ошхоналарда уч маҳал иссиқ, мазали таом тарқатилади. Ётиш хоналари эса шинам, озода ва батартиб кўринишга эга.



Ҳа, масъулиятли ва шарафли касб эгалари бугунги кунда ўз вазифаларини муваффақиятли адо этишмоқда. Жамоада ўзаро аҳиллик ва самимий муносабат мустаҳкам қарор топган. Улар байрам ва қувончли кунларини ҳамкору ҳамжиҳатликда ўтказишади. Бунда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг муносиб ҳиссаси бор. Ишчан касаба уюшма етакчиси Дола Назирова раҳбарият билан бамаслаҳат иш юритиб, кам таъминланган, кўмакка муҳтож ходимларни моддий қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлмоқда. Куни кеча аёллар байрами зўр уюшқоқлик билан ўтказилган бўлса, ҳозирда Наврўз шодиёналарига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Дарвоқе, байрам муносабати билан 25 нафар кам таъминланган ходимга, меҳнат фахрийларига совға-саломлар ташкил этилмоқда.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Шавкат АКРОМОВ олган суратлар**

---

*Эл соғлиғи йўлида*

# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

***Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида режа асосида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилди. Марказий шифохоналар, поликлиникаларда замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Воҳанинг юзлаб қишлоқ ва шаҳарларида дори-дармонлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган врачлик пунктлари, шошилинч ёрдам кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Янги йил Узун туманининг «Гулистон» ҳамда Ж.Пирназаров номли ширкат хўжаликлари аҳолисига бир олам шодлик улашди. «Меҳнат» ва «Қовчин» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Қисқа фурсат ичида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур тиббиёт масканида аҳолига юқори савияда тиббий хизмат кўрсатиш учун кўплаб қулайликлар яратилди. Айни вақтда бу ерда олий тоифали шифокорлар – Абдуқодир Номозов, Замира Набиева, Ҳусния Турсуновалар билан биргаликда В.Бобокалонов, А.Мўминова, К.Мирзаева сингари 12 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилаяпти.

– Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бунёд этилган врачлик пунктимизда барча шароитлар яратилган. 12 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва зарур мебеллар билан тўлиқ таъминланган. Қурилиш ишлари учун эса 76 миллион сўм маблағ сарфланди. Бир сўз билан айтганда, ҚВП мамлакатимиз Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ажойиб кўриниши бўлди, – дейди «Меҳнат» қишлоқ врачлик пункти бош ҳакими А.Номозов.

Туман марказий шифохонаси бош шифокори Рўзибой Бозоровнинг таъкидлашича, мазкур ҚВП замонавий тиббий физиотерапевтик аппаратлар, жумладан, электропарез, ЭКГ, токли ванна, дарсанвал, массаж, электросон кабилар билан таъминланган. Бундан ташқари, ҳаким ва ҳамширалар ҳамда бемор учун махсус кийимбошлар, пойабзаллар ажратилган.

Дарҳақиқат, врачлик пунктининг фойдаланишга топширилиши «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Қисқа вақт ичида 14 ёшдан 49 ёшгача бўлган 1600 нафардан ортиқ хотин-қизлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Қўли енгил шифокор ва ҳамширалар экстрагенетал касалликлари билан оғриган 770 нафар бемор, шунингдек, 132 нафар бир ёшгача бўлган болалар ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан доимий хабардор бўлиб туришибди.

Ҳа, аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар саломатлиги йўлида туманда ибратли ишлар бажарилмоқда. Зотан, соғлом авлод орзусини ҳам рўёбга чиқариш йўлида бугун амалга оширилган ҳар қандай тадбир эртага ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

Избоскан туманидаги Чўнгвариш қишлоғида юнон-рум ва миллий кураш бўйича спорт усталари сифатида таниқли бўлган тўрт ака-ука Мамажоновлар спорт мажмуи барпо этишмоқда.

## СПОРТ МАЖМУИ

Ака-укаларнинг тўнғичи Мақсудали Мамажонов таъкидлаганидек , Турдиали Мамажонов номидаги маҳалла йигитлари кўпроқ спортнинг кураш турлари билан қизиқишади. Масалан, унинг ўғли Ҳасан юнон- рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони ҳисобланади.

Шу боис ака-укалар кураш, мини футбол майдонлари ҳамда бокс, оғир атлетика , теннис кортларига эга бўлган ёпиқ спорт мажмуи қуришга аҳд қилишди. Айни вақтда мажмуанинг сауна, ошхона, дам олиш хоналари жадал суръатда қурилмоқда.

Ака-укалар Мақсудали, Мирзаали, Адҳамжон ва Бахтиёржонлар келгусида ёнма-ён уч қаватли собиқ ётоқхона биносини сотиб олиб, спортчилар, тренер ва ҳакамлар учун меҳмонхона ташкил этишни мўлжаллашмоқда.

**“Туркистон-пресс”**

---

## ХУШБЎЙ, ҒОЯТДА СИФАТЛИ

“Бухороёғ” акциядорлик жамиятида 60 миллион сўмлик технологик линия сотиб олинди. Эндиликда корхонада бир сменада беш тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилмоқда.

-Бу йигирма кишини иш билан таъминлаш имконини берди, -деди цех мудири Шароф Умаров “Туркистон-пресс” мухбирига.

Бухоролик совунгарлар маҳсулотининг сифати бошқаларникидан кам эмас, нархи ҳам арзон. Келгусида акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришни кенгайтириб, хорижий технологиялар асосида хушбўй атирсовунлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

---

*Меҳнат муҳофазаси*

# СЎМНИ ТЕЖАБ, МИЛЛИОННИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

***Намангандаги «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси, «Наманганткстил» акционерлик жамиятларида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга оғишмай амал қилиб келинмоқда. Бунинг натижасида ходимлар ўртасида бахтсизлик ҳодисалари кейинги йилларда содир бўлгани йўқ. Энг муҳими, бу соҳага мўлжалланган маблағлар нафли сарфланиб, ишловчиларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этиши таъминланяпти.***

– Жойларда маъмурият ва касаба уюшмалари ташаббуси билан мутахассис ва раҳбар ходимлар билимлари оширилди, - дейди меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўлими бошлиғи А.Йўлдошев. – Техника хавфсизлигини таъминлаш мавсумий вазифа эмас. Шу боис вилоятимиздаги қатор корхона ва ташкилотлар мутасаддилар ўқувини ташкил этишга катта эътибор беряптилар. Хусусан, «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси, «Ўзбекистон ўрамлитомёпғичашёлари» корхонаси, «Намангандонмаҳсулоти» акциядорлик уюшмасидаги турли техник ходимлар ҳамда раҳбарлар жалб этилди. Уларнинг бу борадаги билимлари муттасил синовдан ўтказилмоқда. Албатта бу саъй-ҳаракатлар кўнгилсизликлар рўй беришининг олдини олмоқда.

Афсуски, техника хавфсизлигига беписанд қаровчилар ҳам йўқ эмас. Бозор иқтисоди шароитида тежамкорликни шиор қилиб, миллионларни бой бераётганлар ҳам бор. Бундайлар сирасига «Атлас» акциядорлик жамияти, аксарият ширкат хўжаликлари, соғлиқни сақлаш тизимининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари киради. Вилоятда бахтсиз ҳодисалар ўтган йили 34 тани ташкил қилган бўлса, шундан 12 тасида одамлар оғир тан жароҳати олган. Уларга ўз вақтида товон пуллари ҳамда ижтимоий нафақалар берилмоқда. Мисол учун, Косонсой «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида ишловчи Илҳом Йўлдошев 152831 сўм, «Уйчи» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятидаги созловчи Зоҳиджон Мамадалиев ҳамда «Норин-тола» ҳиссадорлик жамиятидаги тозаловчи Роҳила Қўшматованинг оиласи 1 миллион 586 минг 88 сўм товон пулларини олишган. Шунинг билан бирга корхона маъмурияти мазкур оилалар аъзоларининг ҳолидан хабар олиб, яқиндан кўмак беришмоқда.

Вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳа шу эзгу ишларда вилоят қурилиш бошқармаси фаол иштирок этиб келаяпти. Лекин қурилиш нуқталарини қабул комиссияси таркибига давлат меҳнат техника нозирининг киритилмаганлигидан ҳайрон қолади киши. Ахир ҳар бир бино нафақат бугунги кунга, балки келажакда ҳам хизмат қилади. Шу боис мутахассисларимиз давлат стандарти талабларига зид, яроқсиз материаллардан фойдаланиш даражасини аниқлаб, тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатларини беришса, фойдадан холи бўлмас эди.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Икки йилдирки, Қашқадарёда АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган CHF Интернэшнл ва Каунтерпарт Интернэшнл ташкилотлари ҳамкорлигида асос солинган "Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури" /МҲСД-CAIP/ фаолият кўрсатмоқда. Яқинда мазкур дастур ташкилотчилари Қаршида ёшлар анжуманини ўтказди.

Тадбирда маҳаллий ҳокимият идоралари , нодавлат –нотижорат ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этишди.

Анжуманнинг асосий мақсади, вилоят ёшларининг бир-бирлари билан долзарб масалаларда мунтазам фикрлашиб туришлари, улар ҳаётига таъсир кўрсатувчи масалаларни биргаликда муҳокама этишларига имкон яратишдан иборат эди. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи ўттиз ёшгача бўлган Қашқадарё учун бунинг нақадар муҳимлиги кўриниб турибди.

"Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури" бўйича вилоятда анча ишлар амалга оширилди. Хусусан, яқинда CAIP дастури ва Ғузор пахта тозалаш заводи, МТП очиқ ҳиссадорлик жамияти саъй- ҳаракатлари билан тумандаги Пахтазор маҳалласи ёшларига замонавий спорт иншооти қуриб берилди. Айни пайтда маҳалла ёшлари бу масканда спортнинг баскетбол, волейбол ва теннис турлари билан шуғулланишмоқда. Дастурнинг иккинчи лойиҳасига кўра 2004 йил -Меҳр ва мурувват йили-да маҳалладаги 120 та хонадонни газлаштириш кўзда тутилмоқда.

**“Туркистон-пресс”**

---

# ЭНГ ЯХШИ СИҲАТГОҲГА

## имтиёзли йўлланма

Пискент туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон корхонасида бугунги кунда барча талабларга мос келадиган 20 хилдан зиёд нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Айни пайтда корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнлари бир маромда давом эттирилаётир. Бунга кўра кунига 1800-2200 килограмм сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари халқимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Якунланган йилда корхонадаги аксарият ускуналар тўлиқ таъмирдан чиқарилгани боис маҳсулот ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан бир неча баробарга кўпайди, энг муҳими эса унинг сифати яхшиланди.

Шу кунгача буюртмачиларга етказиб берилган жами маҳсулот 860 тоннадан ортиқ бўлди. Моддий манфаатдорлик иш натижасига боғлиқ бўлган тартибнинг ўрнатилиши корхона учун ҳам, ишчи-хизматчилар учун ҳам фойдали бўляпти. Чунончи, корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ходимларга меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш бандларини бажариш юзасидан ҳам муайян ишлар қилинаётир. Уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан кам таъминланган оилаларга ва бошқа хайрия ишларига сарфлаш учун 730 минг сўм маблағ ажратилди.

Унумли ва сифатли ишлаган ҳар бир ишчи салмоқли маош олмоқда.

**Расулжон ОХУНОВ,**
**Пискент туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

# ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ФЕРМЕР

***Ер олиб, унга соҳиблик қилиш осон. Аммо ундан мўмай даромад қилиб, ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам манфаат келтириш мураккаб масала. Мен ҳам яхшигина вазифада белгиланган маошни олиб, тинчгина ишлаб юргандим. Аммо фермер хўжалиги ташкил этган отам ишни ташлаб, далага бошчилик қилишим лозимлигини айтиб, туриб олди. Мана тўрт йилдирки хўжалигимизда иш бошқарувчиман.***

Фермернинг ташвиши ҳар қандай катта хўжаликникидан оз эмас. Ахир ҳам раҳбар, ҳам муҳандис, ҳам ҳисобчи, қўйингки фермер дуч келмайдиган соҳа йўқ. Кичик хўжаликнинг катта ташвишлари тунларни бедор ўтказишга, изланишга доимо даъват этиб келади.

Кўп эмас, 66 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. 15 нафар ҳамқишлоқларимизни доимий ишлашга жалб этганмиз. Ходимларни ижтимоий муҳофазалаш тизимини ишлаб чиққанмиз. Уларга ҳар ойда 20-25 минг сўм миқдоридаги ойлик маош тўлаб бориш билан биргаликда газ, электр энергияси ҳақини ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммамизга олганмиз. Шунингдек барча дала ишчилари бир маҳал иссиқ овқат, йилига 2 маротаба бепул уст-бош билан таъминланади.

2003 йилда ялпи даромадимиз 25 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 16 миллион сўми соф фойда. Ишчиларимизнинг йиллик даромади эса ўртача 500 минг сўмни ташкил этаяпти. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бирига 1 тоннадан буғдой, 200 килограммдан пахта ёғи етказиб бердик. Қишлоқни тоза ичимлик суви билан таъминлашни ҳам зиммага олдик.

Фермер зиммасида масъулият юки бўлиши керак. Албатта уни биров вазифа қилиб бермайди. Виждон амри, инсонийлик бурчи бунга даъват этади. Шу боис ходимларимиз шароитини яхшилаш билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Турли хайрия тадбирларида иштирок этиб, одамларга ёрдам беришни ҳам режалаштирганмиз. Ўтган йили ҳудудимиздаги 18-мактабга юз минг сўмлик мадад бердик. Кам таъминланган хонадонлар фарзандларини бепул дарслик билан таъминлашга маблағ ажратилди. Бундай хайрли ишларни бу йил ҳам давом эттирамиз. Хусусан, маҳалла ободончилигига эътибор қаратаяпмиз. Қишлоқ файзи, кўрки, тароватини оширишга 200 минг сўм миқдоридаги маблағ берилди. Ахир шу кўча, хиёбон бизнинг ҳам қароргоҳимиз. Фарзандларимиз ҳам шу гўшада улғайиб, камол топаяпти.

Демоқчиманки, ер олган ўз қобиғига, ўз ташвишига ўралиб қолмасин.

**Улуғбек МАМАТҚУЛОВ,**
**Мирзаобод туманидаги Рустам Қосимов номли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси**

---

## ДАМ ҒАНИМАТ

***Кўклам келиб, дала ишлари қизғин паллага кирмоқда. Бундай пайтда ширкат ва фермер хўжаликларида янги, замонавий техникага эҳтиёж ортади. «ТТЗ-Бухоро техник маркази» ана шу талабни эътиборга олиб, вилоятга саксонтага яқин мини-трактор ва агрегат олиб келди.***

Фермерларга ёнилғи кам сарфлайдиган «BY-304-2» мини-трактори, айниқса, жуда маъқул келмоқда. Хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда мамлакатимизда тайёрланаётган бундай қулай техникани харид қилиш учун фермерлар кредит расмийлаштиришни бошлаб юборди. Яқин кунларда бухоролик фермерлар даласида янги тракторлар сони янада кўпаяди.

**(ЎзА)**

---

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Наманган вилоятида жойлашган «Ниҳол» санаторийсини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ҳамда ташкил этилаётган жамиятнинг Устав жамғармасини 173 миллион сўм миқдорида белгилаш режалаштирилмоқда.**

**Ташкил этилаётган жамиятнинг улушларини сотиб олиш бўйича барча таклифларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига юборишингизни сўраймиз.**

*Маълумот учун телефон: 56-47-95*

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Барча юртдошларимизни қадриятларимиз эъзозининг том маънодаги ифодаси бўлмиш Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади*

**Соғлик-саломатлик, аъло кайфият, қутлуғ хонадонингизга бахту саодат тилайди!**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Ўтмиш билан бугунни бамисоли камалак янглиғ бирлаштирган Наврўз байрами юртимизга қут-барака олиб келсин!*

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

*Фидокор халқимизни, барча касаба уюшма ходимларини гўзаллик ва нафосат рамзи бўлмиш Наврўзи олам билан самимий*

**МУБОРАКБОД ЭТАДИ**



